

АРБАИН ЖАНРИ ХУСУСИДА

О ЖАНРАХ АРБАИН

ABOUT THE GENRE OF ARBAIN

Калит сўзлар: арбаун, ҳадис, ҳадис тўплами, ривоят, адабиёт, муҳаддис.

Ключевые слова: арбаун, хадис, сборники хадисов, предание, литература, мухаддис.

Key words: arbaun, hadis, books of hadis, tradition, literature, muhaddis.

Ҳадислар исломнинг иккинчи асосий манбаси ҳисобланади. Ҳадисларни жамлаш, ёзиш, шарҳлаш ишлари билан муҳаддислар шуғулланиб келганлар. Ҳадисга оид китобларнинг тури қирқдан ортиқ бўлиб, уларнинг баъзиларидан фақат олимларгина фойдаланса, оддий кишилар ўқиб тушунадиганлари ҳам бор.

Мана шундай оддий халқ оммасига мўлжалланган тўпламлардан бири «Арбаин» туридир. Арбаин ҳадис китоби «жузъ» (парча, бўлак, қисм) туридаги китоблар туркумига кириб, ҳадис илми истилоҳида, маълум бир кишидан келтирилган ҳадисларни тўплаш мақсадида тартибланган кичик кўламдаги ё бир мавзудаги ёки муайян тартибдаги ҳадисларни ёки бир ҳадиснинг барча ривоят йўллари бир ерга тўплаган бир неча саҳифалик китобчаларга жуз дейилади. Баъзан «ҳадис жузи» ибораси ҳам ишлатилади.

Айнан жузъ бўйича ёзилган асарларга Имом Бухорийнинг (ваф. 256/870 й.) «Жуз ал-қироат халф ал-имом», Хатиб Бағдодийнинг (ваф. 463/1071 й.) «ар-Риҳла фи талаб ал-ҳадис», Марвазийнинг (ваф. 182/798 й.) «Жузъ қиём ал-лайла» асарларини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, муайян бир ровийдан ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган жузъга Сухайл ибн Абу Солиҳнинг Абу Ҳурайрадан ривоят қилган 49 ҳадисни ўз ичига олган жузъни ҳамда маълум мавзудаги, масалан, «Руъятуллоҳ» каби ҳадисларни бир жойга тўплаган асарларни намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Муайян тартибдаги ҳадисларни ўз ичига олган жузълардан энг кенг тарқалгани «арбаун» (қирқ) деб аталиб, у ўзида 40 ҳадисни жамлайди. Истилоҳий маънода бу турдаги ҳадис китобларида бир боб ёки турли хил бобларда бир иснод ёки бир неча иснод билан 40 та ҳадис келтирилади. Абу Тоҳир

Силафий (ваф. 576/1180 й.) ўзининг «ал-Арбаин ал-булдонийа» асарида шундай деган: «Ҳадисларни ёзишда, жамлашда ва тартиблашда муҳаддисларнинг мақсадлари турлича бўлган: кимдир тавҳидга, Аллоҳнинг сифатларига ва уни улуғлашга оид, кимдир ҳукмга – ҳалол, ҳаром ва бошқ., кимдир ибодатга – намоз, рўза закот, ҳажга, кимдир ваъз ва хушмуомалалик, кимдир айблардан холи санади саҳиҳ бўлган, кимдир ровийнинг жарҳ ва таъдилига қарамай олдига қўйган мақсади бўйича, кимдир олий иснодли, кимдир 40 шайхдан ва шаҳарда ривоят қилинган ҳадисларни жамлаган... уларнинг ҳаммаси яхшилиқ, ажрни ният қилганлар» [2:29]. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, китобда 40 та ҳадис бўлиши шарт эмас, балки камида 40 та бўлса етарли деб ҳисобланган. Шунинг учун баъзи китобларда ҳадислар адади 40 тадан ортади.

Ҳижрий II асрнинг охирида (милодий IX) вужудга келган «Арбаин ҳадис» тури ислом умматининг ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлиб, диний, ахлоқий, ижтимоий ва адабий жиҳатдан араб, турк ва форс адабиётларида катта миқдордаги рисола-лар пайдо бўлиши натижасида юқори мавқега эга диний соҳага айланди. Имом Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий (ваф. 182/798 й.) биринчи бўлиб бу соҳадаги фаолиятни бошлаб берганини Абу Тоҳир Силафий (ваф. 576/1180 й.), Ибн Жавзий [3:606] (ваф. 597/1200 й.), Муҳаммад Каттоний [3:606] (ваф. 1345/1926 й.) каби кўплаб олимлар таъкидлаб ўтганлар. Кейин Муҳаммад ибн Аслам Тусий (ваф. 242/856 й.), Ҳасан ибн Суфён Насавий (ваф. 303/915 й.), Муҳаммад ибн Ҳусайн Ожуррий Бағдодий (ваф. 360/971 й.), Муҳаммад ибн Иброҳим Исфажоний (ваф. 381/991 й.) ва бошқа олимлар бу ишни давом эттирдилар. Олимлардан имом Нававий ҳам бу соҳадаги китобларнинг адади йўқлигини таъкидлаб: «мутақаддим ва мутааххир олимлардан ҳисобсиз даражада кўпчилик» деган [5:2]. Ҳатто Ибн Асокир (ваф. 571/1176 й.), Ибн Муфаззал Мақдисий (ваф. 611/1214 й.), Муҳибб Табарий (ваф. 694/1295 й.), Заҳабий (ваф. 748/1347 й.), Алоий (ваф. 761/1360 й.), Ибн Ҳажар (ваф. 852/1448 й.), Юсуф ибн Ҳасан ибн Абдулҳодий (ваф. 909/1503 й.) каби бир қанча олимлар «арбаин» китобларидан бир нечасини ёзганлари ҳам маълум [7].

Баъзи олимлар ўзлари бу турдаги китобларнинг сонини аниқлашга ҳаракат қилганлари ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, Исмоил Форисий (ваф. 504 й.) етмишдан ортиқ, Ибн Асокир (ваф. 571 й.) ўттиздан ортиқ, Бикрий (ваф. 656 й.) олт-

мишдан ортиқ шу турдаги китобларни жамлаганини зикр қилганлар. Шунингдек, ҳозирги кунда бу турдаги адабиётнинг адади беш юздан ортгани таъкидланади[7].

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бундай турдаги ҳадис тўпламларининг пайдо бўлишига қандай омиллар туртки бўлган, деган савол туғилади.

Биринчидан, Расулulloҳ (с.а.в.)нинг Али ибн Аби Толиб (ваф. 40/660 й.), Муоз ибн Жабал (ваф. 18/639 й.), Абдуллоҳ ибн Масъуд (ваф. 32/652 й.), Абу Дардо (ваф. 32/652 й.), Абу Ҳурайра (ваф. 57 ёки 59/676 ёки 678 й.), Абдуллоҳ ибн Аббос (ваф. 68/687 й.), Абдуллоҳ ибн Умар (ваф. 73/692 й.), Абу Саъид ал-Худрий (ваф. 74/693 й.) ва Анас ибн Моликлардан (92 – 93/710 – 711 й.) ривоят қилинган ҳадисларидан билиш мумкин. Бу ҳадисларнинг ровийлари, иснод йўллари, матнлари турлича бўлса-да, мазмуни ягона. У «Умматимдан ким 40 ҳадис ёдласа...» мазмунидир. Бир ривоятда «қиёматда фақиҳлар ва олимлар қаторида тирилади» дейилган бўлса, бошқа ривоятда «Аллоҳ уни фақиҳ олим қилиб тирилтиради», бошқасида «қиёматда унга шафоатчи ва гувоҳ бўламан», «жаннатнинг хоҳлаган эшигидан кир, дейилади», «у олимлар гуруҳидан деб ёзилади ва шаҳидлар гуруҳида қайта тирилади» дейилган. Бироқ муҳаддислар бу ҳадисларнинг барчасини ўрганиб, иснод йўллари текшириб заифлигига ҳулоса берганлар. Масалан, имом Нававий (ваф. 676 й.) шундай деган: «Бу ҳадиснинг иснод йўллари кўп бўлса-да, ҳофизлар унинг заиф эканига иттифоқ қилганлар»[4:4]. Ибн Ҳажар (ваф. 852 й.): «Ушбу ҳадиснинг барча иснод йўллари бир китобчага жамладим, унинг бирорта исноди иллат²лардан холи эмас»[6:94] деган.

Шундай бўлсада, заиф ҳадисга фазилатли ишларда амал қилиниши мумкин экани шу соҳага оид манбаларда айтиб ўтилганидан[3:602] муҳаддислар мазкур 40 ҳадисга амал қилиб алоҳида китоблар ёзганлар. Бундан ташқари «Эшитганларингиз эшитмаганларингизга етказинг» ва «Айтганларимни эшитиб, эшитгани каби бошқаларга етказганларнинг юзини Аллоҳ ёруғ (оқ) қилсин» ҳадисларидаги ташвиқ орқали ислом олимлари учун 40 ҳадис мавзуси билан шуғулланишни ҳам вазифа қилиб қўйди[1:25]. Бу соҳа шундай ривож топдики, фақат муҳаддислар ва фақиҳлар эмас, балки бошқа соҳа кишилари ҳам 40 ҳадис тўплашга киришиб кетди. Араб, форс ва туркий тилларда жуда кўплаб назмий-насрий асарлар таълиф этилди.

² Ҳадиснинг санади ёки матнида бўлган унинг саҳиҳлигига зарар етказувчи кўзга кўринмайдиган махфий камчилик.

Мақолада ҳадис тўпламларининг арбаин жанри хусусида сўз юритилган. Унда бу жанрнинг пайдо бўлишига оид ҳадислар ва муҳаддисларнинг бу борада жамлаган тўпламлари тарихи ва услублари тўғрисида фикр билдирилган.

В статье говорится о жанре Арбаин в науке хадисоведение. В ней освещаются вопросы о возникновении данного жанра и о сборниках мухаддисов относящихся к жанру Арбаин.

In this article talks about the Arbain genre in the science of Hadithology. It covers questions about the emergence of this genre and about collections of Muhaddis relating to the Arbain genre.

40 ҳадиснинг жамланиши ва тасниф қилинишининг бошқа омиллари борасида ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бунда кўпроқ инсон руҳиятига доир бир қанча сабаблар мавжуд. Жумладан, Пайғамбар (с.а.в.) шафоатига эришиш орқали жаҳаннам азобидан сақланиш. Кўпгина 40 ҳадис тўпламларининг муқаддимасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг шафоатларига эришиш иштиёқи орқали дўзах азобидан қутилиш умиди олдинга чиқади. Яна барча тилларда ёзилган арбаунларда хайрли дуо олиш ва раҳмат билан ёдга олиниш ниятлари ҳам китоб ёзишга туртки бўлган кўринади. Бундан ташқари қийинчиликларни унутиш, дин буйруқларига бўйсунуш ва мусулмонларга хизмат қилиш ҳам муаллифни шу ишга ундаган[1:30]. Шунингдек, дўст ёки талабаларнинг илтимосини қондириш учун ҳам тўпланган ҳамда бошқа сабаблар билан 40 ҳадис жамлаш ишлари олиб борилган.

40 ҳадис китобларини тасниф қилиш ишлари ҳадис илмига хос тарзда амалга оширилганини кўриш мумкин. Бу турдаги китобларни шартли равишда икки қисмга бўлиш мумкин: шакл жиҳатдан ёзилган ва мазмун жиҳатдан таълиф этилганлар.

Шакл жиҳатдан ёзилганларга насрий, назм-насрий аралаш, назмийларга бўлиш мумкин. Шакл жиҳатдан араб, эрон ва турк адабиётларида арбаинлар насрий-назмий ёки назмий услубда ёзилган. Масалан, араб тилида имом Нававий ва Муҳаммад ибн Ҳусайн Абу Бакрнинг (ваф. 360/971 й.) 40 ҳадисларини келтириб ўтиш мумкин.

Наср-назм аралаш асарлар араб тилида ёзилганлари орасида унчалик кенг тарқалмаган. Ҳатто бу тилдаги арбаун ҳадисларнинг назмда ёзилганлари ҳам кўп учрамайди. Форс тилида ёзилганлиги

олим ва суфийларнинг ёки адиб ва шоирларнинг бу турга катта аҳамият берганлари билан изоҳланади. Аҳмад Румий (ваф. 712/1317 й.)нинг 40 ҳадислари назм-насрода аралаш ёзилганларга мисол бўла олади. Турк тилида Али ибн Ҳожи Мустафо (XVI аср), Ўк-жузода (970–1039/1563–1629 й.)ларнинг асарларини келтириш ўринли[1:35].

Назмда ёзилган 40 ҳадис асарлари араб тилида кам учрайди. Аммо форс ва туркий тилларда анча кенг тарқалганини кўриш мумкин. Форсчада Абдурахмон Жомий (1414–1492), туркийда Алишер Навоий (ваф. 907/1501 й.) 40 ҳадис ёзган. Алишер Навоий асарини устози Жомийдан изн олиб, умумий ҳажми 108 байтдан иборат қилиб таълиф этган.

Чунончи арбаин китобларнинг шакли, тури ва мазмуни ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Фақат ҳадис матнларини жамлаган асарлар қаторига имом Нававий ва бошқаларнинг Арбауни киради. Қисқа изоҳлар ёки таржима ва изоҳлар билан Садриддин Конавий (ваф. 671/1273 й.) ва Али ал-Қорий (ваф. 1014/1605 й.)нинг Арбаунларини бунга мисол келтириш мумкин. Форс ва туркий тилларда эса ҳар бир ҳадиснинг таржимаси келтирилиб, кўп ҳолларда айрим фойдали шарҳлар ҳам берилишини зикр қилиш лозим. Оят ва ҳадислар ёки мавъиза ва ҳикоялар билан қувватланган. Баъзан ҳадисларни бирор оят билан қувватлаб ёки бошқа бир ҳадис билан далилланган 40 ҳадислар ҳам учрайди. Масалан, Ҳусайн Воиз Кошифий, Ходинийларнинг 40 ҳадис тўпламлари шу гуруҳга мансуб.

Тўпламларни турларга кўра қуйидагиларга бўлиш мумкин: қудсий ҳадислар, бу бўйича Мухийдин Ибн ал-Арабий (ваф. 638/1241 й.), Ибн Дақиқ ал-Ийд (ваф. 702/1303 й.) ва Али Ал-Қорий (ваф. 1014/1603 й.)лар китоб ёзганлар. Пайғамбар (с.а.в.) 40 хутбаларини Ибн Вадъон (ваф. 494/1101 й.) ва бошқалар бир ерга тўпланганлар. Бошқа кўплаб олимлар санадлари саҳиҳ ҳадислардан танлаганлар. Бундай мусаннифлардан айримлари танлаган саҳиҳ ҳадисларнинг аксарияти имом Бухорий ва Муслимдан олинганини изоҳлайдилар. Имом Нававийнинг тўплами бунга мисол бўла олади. Иснодлари турли ёки 7 ва 10 билан алоқадор ёки иснодсиз ҳадислардан танлаганлар. Турли иснодли арбаунларга мисол қилиб Тақиюддин Фосий (ваф. 832/1429 й.) ва Ибн Ҳажар Асқалоний (ваф. 852/1448 й.)ларнинг рисоаларини, субаият (7) учун Абул Маолий Абдулмунъим (ваф. 497/1103 й.) ва ушарият (10) учун

эса Абдулфазл Абдурраҳим (ваф. 806/1404 й.)ларнинг, санадсиз арбаинга мисол қилиб Валиуддин Ироқий (ваф. 826/1423 й.)ларнинг тўпламларини кўрсатиш мумкин.

40 рақамга таяниб тартибланган арбаунлар (40 саҳобадан, 40 шайхдан, 40 шаҳардан, 40 китобдан, 40 бобдан, бир хил исми 40 кишидан иборат) таълиф этилган. Шунингдек, ўзига хос тарзда арбаунларни 40 бобга бўлиб ёки бир исми 40 кишидан нақл қилинган ҳадисларни тасниф қилганларни ҳам учратиш мумкин. Масалан, Муҳаммад ибн Муҳаммад Тоий (ваф. 555/1160 й.)нинг ҳар ҳадиси бир саҳоба ва бир шайхдан нақл қилинган. Ибн Бобуя (ваф. 580/1184 й.)нинг ҳадислари 40 китоб, 40 шайх ва 40 саҳобадан олинган. 40 китобдан тўпланганлар учун Исмоил ибн Муҳаммад Димашқий (ваф. 1162/1749 й.)ни келтириш мумкин.

Муҳаммад Али ибн Носир Жашаний (ваф. 563/1168 й.) Муҳаммад исми ровийлардан ва шундай исми кишилардан нақл қилинган тарзда рисола ёзган. Шунингдек, тартибларида 40 га доир «40 шаҳардан тўпланган» ибораси жуда кўп учрайди. Ибн Асокир (ваф. 517/1167 й.), Абу Тоҳир Аҳмад Силафий (ваф. 576/1180 й.), Шарафиддин Ваний (ваф. 749/1348 й.) ва Шамсиддин Хуросоний (875/1470)ларнинг тўпламлари шу турга мансубдир[1:45].

Шу билан бирга олимлар ёд олиш осон бўлиши учун қисқа ҳадисларни ҳам жамлаган бўлиб, улардан Жомий ва Муҳаммад Антокийнинг ишларини келтириш мумкин. Шунингдек, тўплаган ва танлаган ҳадисларининг аниқ, лўнда, тушунишга осон ва кенг маъноли Пайғамбар (с.а.в.) сўзларидан бўлганларига алоҳида эътибор қаратиб қайд этган мусаннифларни ҳам учратиш мумкин.

Фасиҳ ва саҳиҳ ҳадислардан танлаган муаллифларнинг катта қисми ўз рисоалари асл нусха бўлишини хоҳлаганлар. Масалан, Камол Пошозода-нинг «лафзида фасоҳати зоҳир ва маъносида сиҳҳати иснодига далолат қиладиган 40 ҳадис» деб жамланган шарҳини келтириш мумкин.

Нуқтасиз ҳарфлардан танланган ноёб тўпламга Мустақимзода Сулаймон Сададиннинг 1174/1761 йилда ёзган асари мисол бўла олади.

Муҳаддислар мавзунинг моҳиятига қараб ҳам арбаин ёзганлар. Аввало бир мавзу атрофида тўпланган 40 ҳадислардан бошлаймиз. Буни қуйидагича тартибда кўриш мумкин: Куръони карим фазилатларига оид Юсуф ибн Абдуллоҳ Армиюний (ваф. 958/1551 й.)нинг рисоалари битта сура

(«Ихлос» сураси) ва битта оят (оят ал-Курсий)га бағишланган.

Исломнинг беш шарт: калимаи шаҳодат, рўза, намоз, закот, ҳаж. Рўза ҳақида Абдуллоҳ ибн Сувайдон Мисрий (ваф. 1234/1392 й.), ҳаж хусусида Муҳибуддин Табарий (ваф. 794/1392 й.)нинг, закот ҳақида Муҳаммад ибн Абдуссалом (ваф. 1302/1885 й.) ва бошқаларнинг китоблари мисол бўла олади.

Пайғамбар (с.а.в.) ва оилалари, саҳобалари ҳамда уларнинг фазилатларини ўз ичига олган 40 ҳадислар ҳам мавжуд. Пайғамбар (с.а.в.)нинг оила ва саҳобаларига алоқадор арбаунларнинг кўп қисми имом Алига доир бўлиб, шиаларнинг имомийлик мазҳабида ёзилган. Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Хўжандий эса чаҳорёрлар ҳақидаги ҳадисларни тўплаган.

Тасаввуф ва тариқат ҳақида Аҳмад ибн Муҳаммад Моликий (ваф. 412/1022 й.) ва Абу Саид ибн Муҳаммад, Муҳийддин ибн Арабий (ваф. 638/1241 й.), Садриддин Қунавий (ваф. 671/1273 й.), Аҳмад Румийларнинг рисоаларини келтириш мумкин.

Шунингдек, дунёвий масалалар туркуми, илм, олимлар, сиёсат ва ҳуқуқ, жиҳод, ижтимоий ва ахлоқий ҳаёт, бир қавм, бир минтақа ёки шаҳарнинг фазилатларига доир, тиббиёт, ҳазил ва мутойиба, хусни хат каби мавзуларда ҳам рисоалар ёзилган.

Бир арбаунда турли мавзулар ўрин олган бўлиб, уларнинг энг машҳури муҳаддис, буюк шофеий фақиҳи, имом Нававийнинг рисоласи саналади. Бир жумла билан айтганда, арбаинлар орасидаги энг машҳури ва кўплаб шарҳлар (30 дан ортиқ) ёзилгани ҳам шу тўплам ҳисобланади.

Шунингдек, арбаин туридаги китобларни даврларга бўлиб ўрганиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Энг биринчи арбаин китоб Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазийга оид бўлганидан 12 асрлик тарихга эга. Чунончи Абдулқодир Қорахоннинг таърифича «бизнинг тадқиқотимизга кўра XVI асрда ёзилган арбаун ҳадислар жами 25 шарҳ ва тўпловчи қалами билан 34 га етган» [1:55], деган.

Хулоса қилиб айтганда, арбаин ҳадис китоби тури энг кўп ёзилган ва тарқалган асарлардан ҳисобланади. Уларни муҳаддислар билан бир қаторда бошқа фикҳ, тасаввуф, мутакаллим, муфассир, тарихчи олимлар ҳам жамлаганлар. Ҳатто бундай асарлар орасида назмда ёзилганлари мавжудлигидан шоирлар ҳам бу борада қалам тебратганини кўриш мумкин.

40 ҳадисни тўплашни Абдуллоҳ ибн Муборак бошлаб берган бўлса, бошқалар давом эттирдилар. Аввалги муҳаддисларнинг асарларидаги ҳадислар иснодлари билан таълиф этилган бўлса, кейинги давр олимлари иснодларни тушириб қолдирганлар. Шунингдек, бир гуруҳ мусаннифлар ўзлари жамлаган ҳадисларни ёзган бўлсалар, кейингилар муайян китобдаги ҳадислардан танлаб олганлар.

Арбаинларнинг мавзулари ҳам кенг қамровли бўлгани сабабидан, кенг халқ оммаси орасида катта қизиқиш билан ўқилган. Арбаин рисоалар кенг халқ оммасига ҳам мўлжалланганини ҳисобга олиш лозим.

Арбаин борасида айtilган ҳадислар заиф бўлишига қарамай, муҳаддислар унинг фазилатлигидан келиб чиқиб бу ишга қўл урганлар. Мусулмон олимларнинг наздида ҳадисларни тарқатиш ва уларни жамлаш шарафли амаллардан экани замонлар ошсада ўз аҳамиятини йўқотмаган. Кенг халқ оммасига мўлжалланган рисоалардаги ҳадислар кичик ҳажмда, осон, тушунарли бўлиб, ортиқча изоҳларга эҳтиёж бўлмаганларини жамлашга ҳаракат қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abdülkadir Karahan. İslam-Türk edebiyatında kırk hadis: toplama, tercüme ve şerhleri. – Ankara: Diyanet İşleri Başkanlığı Yayınları. 1991.
2. Абу Тоҳир Силафий. Ал-Арбаин ал-булдонийя. – Димашқ: Дор ал-Байрутий, 1992.
3. Зиёд Абдулваҳҳоб. Ал-Арбаинот ал-ҳадисия. Мажалла Жомеъ Димашқ лил-улуум ал-иқтисодия вал қонуния, 2011. № 27.
4. Ибн Дақиқ Ийд. Шарҳ ал-арбаин ҳадис ан-Нававий. – Қоҳира: Мактаба ат-турос ал-исломий, 1984.
5. Ибн Ражаб. Ал-Арбауна ан-Нававийа ва тамаатуҳа. Нашр жойи ва йили кўрсатилмаган.
6. Ибн Ҳажар Асқалоний. Талхис ал-ҳабир. – Макка: Муассаса Қуртуба, 1995. – Ж. 4.
7. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Сари. <https://www.alukah.net/sharia/0/105975/>
8. Муҳаммад Каттоний. Ар-Рисола ал-мустатрафа. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 2011.

Doniyor MURODOV,

*O'zbekiston xalqaro islom akademiyasi
«Islom fanlari» kafedrasi dotsenti*